



## ВАТАН ҲИМОЯСИ ЭНГ ОЛИЙ ШАРАФ!

С.Б.Муртазова

Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМ,

“Тарих ва ижтимоий фанлар кафедраси мудири, в.б.профессор

О.Суюнов

Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМ,

Тарих йўналиши Т-154-23 гурух талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Қарши шаҳрининг жануби-ғарбида жойлашган Харамжўй қишлоғи ва Гузор туманининг Тожик қишлоғидан Иккинчи жаҳон урушига қатнашган жасорат тимсоллари, азиз ота-боболаримиз ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Мақолада асосан оғзаки тарих, хотирадаги эсдаликлардан маълумот сифатида фойдаланилди.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушининг асорати, инсоният бошига келтирган мусибати, абадул-абад бу урушнинг етказган азиятлари инсоният қалбида муҳрланиб қолганлиги ва ҳар бир ёш иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари тимсолида ҳақиқий ватанпарвар, ўз юртни душмандан ҳимоя қилган қаҳрамонларни кўриши, қайсики ўзбек жангчиси бўлмасин аввало кўз олдида ўз қишлоғи, маҳалласи, оиласи, ватани турганлиги ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган.

**Калитли сўзлар:** Харамжўй, Иккинчи жаҳон уруши, ғалаба, қаҳрамонлик, ватан, ватанпарварлик, Берлин, Эссе, номаълум хабарнома, орден, медал, маҳалла, қишлоқ.

**Аннотация:** В данной статье анализируются информации о наших мужественных людях, наших дорогих предков которой сражавшихся во Второй мировой войне из юго-западе Карши села Харамджой и Таджикского села Гузарского района. В статье в основном использовалась устная история, мемуары в качестве информации.

Также освещаются, последствия Второй мировой войны, трагедия человечества, страдания этой войны навсегда запечатлелись в сердцах человечества, и каждый молодой человек видит в образе участников Второй мировой войны настоящих патриотов, героев, защищавших свою страну от врага. Каждый воин из Узбекистана перед тем сражаться с врагами прежде всего думал о своей семье, махалли, и своего деревню, родину.

**Ключевые слова:** Харамджой, Вторая мировая война, победа, героизм, родина, патриотизм, Берлин, эссе, неизвестное извещение, орден, медаль, окрестности, деревня.

**Annotation:** This article analyzes information about our courageous people, our dear ancestors of whom fought in the Second World War from the south-west of Karshi, the village of Haramdzhoy and the Tajik village of Guzar district. The article mainly used oral history, memoirs as information.

The effects of the Second World War, the tragedy of mankind, the suffering of this war are forever imprinted in the hearts of mankind, and every young man sees in the image of the participants in World War II real patriots, heroes who defended their country from the enemy. Each warrior from Uzbekistan, before fighting enemies, first of all thought about his family, mahalla, and his village, homeland.

**Key words:** Haramjoy, World War II, victory, heroism, homeland, patriotism, Berlin, essays, unknown notice, order, medal, neighborhood, village.

“Ватан остоидан бошланади” - дейди доно ҳалқимиз. Эл бошига иш тушса юртнинг мард ўғлонлари, жонкуяр, фидойи фарзандлари кўксини қалқон қилиб, юртни ёвдан ҳимоя қилади.



Ватанимиз тарихининг қадимги давридан ёвга кўксини қалқон қилган қўплаб довюрак, мард қаҳрамонлари халқ учун, юрт тинчлиги учун майдонга чиқкан. Ватанни онага қиёслаймиз, юритдан айро бўлган инсон ўз юрти тупроғини кўзларига тўтиё қиласи.

«Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчалик кенг ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган худуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир».

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов “иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ватандошларимиз, ўзбекистонлик жангчиларнинг кўз олдида аввало ўзи туғилиб ўсган қишлоғи, маҳалласи, оила аъзолари, яқинлари турган бўлса ажабмас”, - дея таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, иккинчи жаҳон уруши тарихда юз берган жанг-жадалларнинг энг даҳшатлиси ҳисобланади.

Бу урушда ватанимизнинг ҳар бир гўшасидан юрт фидойилари аввало ўз она замини, муқаддас тупроғини ёвдан асраш, ҳимоя қилиш учун бел боғладилар.

Қарши шаҳрининг жанубий-гарбida жойлашган Қадимги Қарши туманидаги Харамжўй<sup>1</sup> қишлоғидан ҳам иккинчи жаҳон урушига юзлаб мард ва жасур юрт ўғлонлари урушнинг дастлабки кунларидан жангга отландилар.

Уларнинг ҳар бирини хотирлаш, номларини абадийлаштириш, биз миннатдор авлодларнинг бурчимиз ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон урушига 400 га яқин Харамжўйликлар сафарбар этилди. Улардан Бозоров Жаббор, Қодиров Парда, Раҳматов Карим, Ҳалилов Ҳикмат, Нор Бозоров, Носир Ҳақбердиев, Файзулаев Сайфи, Ҳайдар Чинниев, Раупов Мавлон, Даврон Раупов, Жўраев Алимардон, Жўраев Шукур, Самадов Турди Расулов Умар, Қозоқоа Элмурод, Қозоқов Абдулла, Жўраев Сафар, Самадов Турсун, Бойбеков Аҳмад, Мустанов Сайфулла, Толипов Аҳмад, Ҳалилов Жалил, Пиров Нор, Пиров Карим, Самаров Нур, Обидов Сайфи, Боқиев Файби, Турдиев Қилич, Равшан Одилов, Фозил Одилов, Темир Аширов, Чори Эгамбердиев, Сағдулла Нарзуллаев, Наби Содиқов, Аҳад Мақсудов, Барат Құдратов, Ҳаким Ҳолиқов, Ғофир Пардаев, Раим Ҳасанов, Йўлдош Эргашев, Турсун Маматов, Темир Пардаев, Қўчкор Жўраев, Нажим Носиров, Шариф Камолов, Ҳайдар Олимов, Амир Султонов, Турди Муқимов, Саттор Самадов, Камол Шамсиев, Парда Маҳмудов, Азиз Хайруллаев, Жўра Эшонқулов, Турсун Акбаров, Омон Сирожиддинов, Маматқул Турсунов, Ҳикмат Муродов, Худоёр Акбаров, Суннат Султонов ва бошқаларни таъкидлашимиз мумкин.

Бу каби маълумотларни нафақадаги педагог Ҳазратқул Ҳайдаров “Харамжўй маҳалласи тарихидан лавҳалар” номли китобида маҳалламиздаги ҳар бир хонадонга кириб, иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги, уларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси, эришган ютуқлари хақида маълумотлар келтирган.

Шунингдек, бу асарда устоз Ҳазратқул Ҳайдаров 400 га яқин қишлоғимизнинг норғул, азamat ийгитлари, ота-боболаримиз фашизм балосини даф қилиш учун жонбозлик қўрсатганликлари алоҳида таъкидланади.

Уларнинг қўрсатган хизматлари, жасоратлари, қаерларда шахид кетгани борасида кўпроқ изланишлар олиб боришимиз, уларнинг ҳар бирларини номларини абдиятга муҳрлаш,

<sup>1</sup> Харамжўй – Ҳарем калимаси араб тилида таъқиқланган, муқаддас жой. Алишер Навоий асарларида Макка ва Мадина шаҳарлари ҳарамайн шарафайн (икки муқаддас шаҳар) деб тавсиф қилинган. Харамжўй Қарши шаҳрининг жанубий-гарбий томонида жойлашган бўлиб, сабза ва сўлим жой, сув билан ўралган, обод маскан каби маъноларни англатади.



ёшларимиз эса ўз аждодларининг иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси, улардан фахрланиш туйғусини ҳис қилиши учун

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига келтирган қулфат, асорат тафсилотлари тўлалигича ҳали ёритилмаган. Чунки, 2020 йил 9 майда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 75-йил тўлди. Ғалабанинг 75-йиллигида ҳалқимизга уруш кўрсатган талофатлар, урушга сафарбар этилганлар, шаҳид кетганлар, бедарак кетганлар ҳақидаги маълумотлар, ракамлар янгиланди. Архив маълумотлари, оғзаки тарих ва бошқа кўплаб манбалар асосида илмий изланишлар, тадқиқотлар давом этмоқда. Ҳар бир изланиш давомида уруш талофатларининг, инсон қалбини жунбушга келтирадиган янги фактлар, далиллар маълум бўлмоқда.

Биргина Харамжўй қишлоғи мисолида Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилганлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиласиган бўлсак, урушга жўнаб кетганларнинг атиги 10 фоизи яъни 36 нафари ўз қишлоғига қайтиб келган. Урушдан қайтиб келганларнинг аксарияти ярадор, майиб-мажруҳ ҳолда қайтганлар. Ҳозирги кунда маҳалламиздан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этганларнинг барчаси оламдан ўтдилар. Уларнинг ёрқин хотираси ҳозир ҳам ҳалқимиз, маҳалладошларимиз томонидан хурмат ва эъзоз билан тилга олинади, хотирланади.

Ана шундай инсонлардан бири, математика фани билимдони, хурматли устоз, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қозоков Абдулла домладир. Қарши туманига қарашли 25-сонли мактаб (ҳозирда Қарши шаҳридаги 30-сонли мактаб) да узоқ йиллар давомида ёшларга сабоқ берган устозимиз Ғалаба кунига бағишлиланган маросимларда, тадбирларда кўксии тўла орден ва медаллар билан ташриф буюарди. Ёшларга уруш жанггоҳларида кўрсатган жасорати, қаҳрамонлиги ҳақида кўзларида ёш билан хотирлаб, сўзлаб берарди. Ҳатто душманни Берлингача қувиб борганлигини таъкидлаганлиги ёдимда. Қирғинбарт уруш жанггоҳларида бир оёқларидан яраланиб, кейинчалик оёқлари оқсан қолган.

Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган яна бир ҳамқишлоғимиз Бегматов Шомирза бобо эдилар. Шомирза бобо ҳам айни Иккинчи жаҳон урушининг шиддатли пайти урушга кирганликларини, кўрсатган қаҳрамонликларини мактабнинг бошланғич синфларида ўқиб юрган кезларимизда мактабдаги тадбирларда иштирок этиб сўзлаб берганлар. Ҳатто Иккинчи жаҳон урушининг асорати Шомирза бобони умрининг охиригача тарқ этмади. У урушда бошидан яраланганилиги, бошидаги ўқни ҳатто жарроҳлик йўли билан олиб бўлмаганлигини айтиб берганини эслайман.

Иккинчи жаҳон урушига қатнашиб, ғалабага ўз ҳиссасини қўшган яна бир жангчи харамжўйлик Камол Шамсиевдир. У 1924 йилда Харамжўй қишлоғида таваллуд топган. Камол Шамсиев Қарши шаҳридаги педагогика техникумидаги ўқиб, уни тугатгач, Чироқчи туманидаги 7-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб фаолият олиб боради. Уни 1942 йил охирларида ҳарбий хизматга чақиришади ва у бир муддат ҳарбий маҳоратини оширади. Камол Шамсиев 1943 йилда урушга киради. У ўз хотираларида шундай таъкидлайди. “Днепр дарёсини кечиб ўтиш керак эди. Дарё музлаган, кўкрак билан сирпаниб, эмаклаб ўтаётган пайтда душман уларни ўқса тутади. Шунда у ўнг кўлидан ярадор бўлса ҳам, санитарларга боғлатганча, душман ҳужумларини қайтариш учун жанг қиласи. Аммо у оғир яраланганди, жанг тугаганидан сўнг хушидан кетиб йиқилади. Қанча вақт ўтганини билмайди, ҳушига келганда ўзини дала госпиталида ётганини билади. Унинг қўлини даволайдилар ва яна бир қанча жангларда иштирок этади. Кейинги жангларда яна оғир яраланади. Жароҳатлар оғир бўлгани, жангга киришнинг имкони бўлмагач, юрга қайтарилади. 1944 йилда Камол Шамсиев кўкчи тўла орден ва медаллар билан қишлоғига қайтиб келади.

Камол Шамсиевни 1994 йил 9 майда республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрига чақириб, Ўзбекистон Президенти фармони билан “Жасорат” медали билан тақдирланади. У 86 ёшида 2012 йилда вафот этади. Унинг ёрқин хотираси қишлоқдошларининг қалбида абадий сақланади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75-йиллигидаги нутқида Ўзбекистондан Иккинчи жаҳон урушига иштирок этганлар сони 1,5 миллионга яқин эмас, балки, 1 миллион 951 минг киши бўлганлиги, бу эса уруш вақти Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион бўлса, деярли Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги ҳар 3 фукаросидан бир нафари Иккинчи жаҳон урушига иштирок этганлигидан далолат беради. Бу рақамлар ҳам тадқиқот натижалари, архив маълумотларини ўрганиш натижасида олимларимиз томонидан кенг жамоатчиликка маълум қилинган маълумотлар сирасига киради.

Демак, “Иккинчи жаҳон уруши менинг оилам тақдирида” номли мавзуга алоқадор бизнинг оиласизда ҳам урушнинг оғрикли излари муҳрланиб қолганлигини афсус билан таъкидламоқчиман. Онам Бегматова Ойбаҳор 1942 йилда туғилганлар. Онам уч ойлик чақалоқлик вақтлари бобом Омонов Бекмамат Ғузор туманинг Тожик қишлоғидан Иккинчи жаҳон урушига жўнатилган. Бувим Ражабова Фароғат момонинг хотирлашича бир марта хат келган хатда эса Қозогистон чўлидан ўтиб бораётганликлари ҳақида маълумот берилган экан.

Шундан сўнг бобомдан яъни онамнинг оталари Омонов Бекмамат бободан ҳеч қандай хат-хабар келмаган.Faқатгина номаълум кетганлиги ҳақидаги хабарнома келган. Онам бугунги қунда фарзандлар, набиралар ардоғида пиру-бадавлат ҳаёт кечираётган бўлсалар ҳам қалбларида бир армон, оталарини дийдорини кўрмаганликлари, “урушни оти ўчсин болам” дея кўзларига ёш оладилар.

Бобом ҳақида фақатгина бувим раҳматли Фароғат момодан эшитган маълумотлари сақланиб қолган. Онам “менинг отам ҳисобчи бўлган. З та қишлоқни ҳисоб-китоби билан шуғулланган билимли, ўткир зеҳнли, чап қўлида равон, бехато ёзган, маълумотли инсон бўлган” - дея таъкидлайдилар. Мен биринчи синфга борганимда устозларим қанча уринишмасин мен ўнг қўлим билан эмас, фақат чап қўлда ёзган эканман. Онам эса устозларимга “мени отам чап қўлда ёзган эканлар. Бу унга бобосидан ўтган қизим чап қўлида ёзақолсин, рухсат беринглар” деб илтимос қилган эканлар. Урушдан кейинги йилларда ҳам онам бувим билан жуда қийинчиликда, сарсон-саргардонликда, мاشақатли ҳаёт кечирганликларини, кун кўриш учун далада бошоқ терганликлари, бугунги дориломон кунларни қадрига етишимиз кераклигини бизга доимо уқтирадилар.

Хуллас, Иккинчи жаҳон урушида кўпчилик ватандошларимиз қатори бизнинг ҳам Қарши шахрининг шундоққина ёнида жойлашган Харамжўй қишлоғидан кўплаб ота-боболаримиз сафарбар этилдилар. Улардан саноқлигинаси урушдан ўз ватанига қайтишга муваффақ бўлди. Бобом Омонов Бекмамат ҳам урушнинг энг даҳшатли палласида сафарбар этилдилар. Биз ёшлар ота-боболаримизнинг нафақат ватанпарварлиги, фидойилигидан ўrnak олишимиз балки, уларнинг хотираларини абадийлаштиришимиз, уларнинг босиб ўтган мاشақатли йўлларини, жасоратларини ёзишимиз, тарихга муҳрашимиз шарт.

### **Фойдаланилган адбиётлар**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75-йиллигига бағишлиланган нутқидан. Тошкент, 2020 йил.
- 2.Ҳайдаров X. Ҳарамжўй маҳалласи тарихидан лавҳалар. Қарши, Насаф нашриёти, 2018 йил.
- 3.Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Тошкент, 2009 йил.
- 4.Ҳарамжўйлик 85 ёшли нафақадаги устоз Ҳазратқул Ҳайдаровнинг эсдаликларидан фойдаланилди.
- 5.Ҳарамжўйлик 80 ёшли онажон Бегматова Ойбаҳор эсдаликларидан фойдаланилди.